

# Xabar

25  
(979)-son  
24-iyun  
www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Оммавий ахборот воситалари

ва **АКТ**



Жамият кўзгуси ҳисобланмиш оммавий ахборот воситалари фаолиятини бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Босма нашрлар, радио, телевидение ва, айниқса, интернет-ОАВда бевосита АКТ хизматларидан кенг фойдаланилади. Ахборотнинг қиймати унинг ишончилиги ва, албатта, тезкорлигига боғлиқ. Ишончлилик ва кафолатли меъёрий-ҳуқуқий база тартибга солса, тезкорлик АКТ кўмагида амалга оширилади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда ушбу йўналишларни ривожлантириш ҳамда уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш йўлида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти.

12-бет

### Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

**Renesas Electronics** компанияси ўзига хос янгиликка қўл урди. Компания ишлаб чиққан кичик радиусли симсиз алоқа технологиясига кўра, маълумотларни Bluetooth ва Wi-Fiда узатишда батарея ёки аккумуляторлардан фойдаланилмайди.



Бу тизим радиотўлқинлар энергиясидан фойдаланишга асосланган. Компания ўз технологияси ҳақида VLSI Circuits 2011 симпозиумида батафсил маълумот беришни режалаштирган.

### Ушбу сонда:

- “Ўзбектелеком” АҚ: Акциядорлар кенгашиб олишди 2
- Жойларда бўш иш ўринлари ярмаркалари бўлиб ўтди 3
- Начались прием документов 6
- DVD йўқолиш хавфи остида 11
- Тадбиркорликка кенг йўл 14

### Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 июн куни Қашқадарь вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Парламентнинг конституциявий ваколатларига мувофиқ, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдилар.

Пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг республика конференцияси ўтказилди. Ассоциациянинг 2005-2010 йиллардаги фаолияти ҳисоботи ва 2011-2013 йилларга мўлжалланган устувор вазифаларига бағишланган ушбу талбирда ҳудудий конференцияларда сайланган делегатлар, етакчи жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкентда "Хотин-қизларнинг сиёсат ва жамият ҳаётидаги роли: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатдан турли соҳаларда хизмат қилаётган раҳбар аёллар, Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси минтақавий вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиздаги Тошкент олий умумқўшни кўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик ҳамда Чирчик олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрталари, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида навбатдаги битирувларга диплом ва кўкрак нипонларини топширишга бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг октябр ойида пойтахтимизда ўтказилган Биринчи Тошкент Халқаро кинофестивалига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасида кино соҳаси мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Наманган шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг матбуотда ёритилишига бағишланган семинар ташкил этилди.

2011 йил 18 июн куни «Ўзбектелеком» АК акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилди.

«Ўзбектелеком» АК 2010 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисида компания бош директори М.Маҳмудов сўзга чиқди. Маърузада таъкидланишича, ўтган йил компания учун муваффақиятли ва кескин ўзгаришлар йили бўлди. Компаниянинг ижрочи органи ўзгартирилди, бошқарув апарати функцияси структурасини ўзгартириш бўйича ишлар олиб бориляпти, унинг шатларига ёш мутахассис ва сергайрат менежерлар кириб келмоқда. Компаниянинг ташқи ва ички реструктуризациясида принциплари

билан қамраб олиниш даражаси 100 фоизни, қишлоқ аҳоли пунктларининг қамраб олиниш даражаси 95,7 фоизни ташкил этди.

2010 йилда ривожланишнинг юқори суръати таъминланди, компаниянинг мамлакат телекоммуникация бозоридagi барқарор молиявий ҳолати сақлаб қолинди. Ҳисобот йилида 309,4 млрд. сўм миқдоридa даромад

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК: Акциядорлар кенгашиб олишди

ал қарорлар қабул қилинди, ребрендинги ишлаб чиқилди ҳамда белгиланган вазифалар амалга оширилмоқда, молиявий ва бизнес-жараёнларни яхлит бошқаришга янгича ёндашуви ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида алоқа тармоқлари инфраструктураси сезиларли даражада яхшиланди.

Бутун мамлакат бўйлаб маънавий эскирган анъанавий (аналогли) телефон станциялари замонавий рақамлига алмаштирилди. Оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезликка эга рақамли каналлар яратилди, тармоқни кенгайтириш ва унинг ишончилигини ошириш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Яратилган инфраструктура симсиз технологияларнинг, жумладан, мобил алоқасининг илдам ривожланиши учун хизмат қилади. Республикаимиз бўйича вилоятлар, туман марказлари ва шаҳарларнинг рақамли телекоммуникация тармоқлари

олинди, бу ўтган йил кўрсаткичидан 15 фоиз ортиқдир, компания умумий хўжалик фаолиятининг даромади 9,4 млрд. сўмни, соф даромади эса 5,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Компаниянинг барча куч ва ресурслари асосий вазифаларни амалга ошириш – телекоммуникация хизматларига талабни тўла қондириш, янги технология ва маҳсулотларни жорий этишга йўналтирилди. Ҳисобот йилида 35,3 млрд. сўм миқдоридa капитал маблағ ўлаштирилди.

Телекоммуникация ва интернет-хизматларини ривожлантириш мақсадида, рақобатни кучайтирган ҳолда Халқаро пакетли коммутация маркази сизими 2010 йил мобайнида 2,5 Гбит/с гача икки марта кенгайтирилди, провайдерлар учун интернет-хизматлари тарифлари эса 1510 АҚШ долларидан 849 АҚШ долларигача арзонлаштирилди ҳамда 1 Мбит/с ёки 44 фоизгача туширилди.

Жорий йилда «Электрон таълим» миллий тармоғи қурилишнинг биринчи босқичини якунлаш ҳамда республиканинг 79та олий таълим муас-



сасини, кейинчалик барча академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш режалаштирилган.

2011 йили «Ўзбектелеком» АК янги бренди ва суббрендларини тўла миқдори илгари суриш режалаштирилган, шунингдек, компания ва унинг тузилмавий бўлинмалари хизматларини илгари суриш визуал стратегиясининг ягона комплексини тузишни кўзда тутган ребрендинг ўтказилди.

Йиғилишда «Ўзбектелеком» АКнинг 2010 йил натижаларига кўра молиявий-хўжалик фаолияти, компаниянинг йиллик молиявий ҳисоботи, компаниянинг 2011 йил учун бизнес-режаси тасдиқланди, шунингдек, компания соф даромадининг тақсимланиши ҳамда дивидендларни тўлаш масалалари, бундан ташқари, умумий мажлисга алоқадор бўлган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Мажлис кун тартибидaги бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳ.Муҳитдинов («Ўзбектелеком» АК акциялари давлат пакетининг ишончли бошқарувчиси), компания бош бухгалтери С.Раҳоқов, прогнозлаш ва тарифларнинг иқтисодий таҳлили бўлими бошлиғи Х.Абидова, тафтиш комиссияси аъзоси Р.Қарабайева ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Мажлисини «Ўзбектелеком» АК Қузатув кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари А.Арипов олиб борди.

Кун тартибидaги барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Ўзбектелеком» АК  
матбуот хизмати

## ➤ QAROR VA IJRO

## Ижро интизомига бағишланди

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда Нодира номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ташаббуси билан вилоят Давлат алоқа инспекцияси, «Ўзбектелеком» АК ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Наманган филиаллари, вилоят "Матбуот тарқатувчи" ШК ҳамкорлигида АКМда иш юритиш ва ижро интизومي масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 1999 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 29 декабрдаги 416-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказий аппаратида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросининг назоратини ташкил этиш

бўйича йўриқнома" талаблари асосида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш, шунингдек, қарорлар ва йўриқнома талабларига риоя этилишини янада кучайтириш мақсадида ўтказилган семинарда Агентлик тизимидаги вилоят корхоналарининг 42 нафар масъул ходими иштирок этди.

Семинарда АКМ директори М.Жўрабоева кириш ва чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш, ЎзААА Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳ.Тожибоев 16, 26 ва 36 назорат карточкалари ҳамда 1 ва 2-ҳисобот жадалларини юритиш, «Ўзбектелеком» АК Наманган филиали ишлар бошқарувчиси А.Ҳожимирзаев ариза ва шикоятлар билан ишлаш ва статистик ҳисоботларни юритиш, вилоят ДАИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Э.Мирзаева ҳамда инспектори А.Ҳасановларнинг архив ҳужжатлари билан ишлаш ва ҳужжатларни архивга топшириш, "ХФ" грифли ҳужжатлар билан ишлаш юзасидан маърузалари тингланди.

Қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган семинар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳасанбой ТОЖИБОЕВ,  
ЎзААА Наманган вилояти ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари

# Ёшларга аталган кун

## Жойларда бўш иш ўринлари ярмаркалари бўлиб ўтди

### Фарғонада

ТАТУ Фарғона филиалида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида вилоятимиздаги ва водийдаги барча алоқа корхона ва ташкилотлари иштирок этди. Кўргазма билан ТАТУ Фарғона филиали, Фарғона шаҳридаги ахборот технологиялари ихтисослашган касб-хунар коллежларидан минг нафардан зиёд битирувчилар танишидилар.

— Ўтган йилнинг шу кунларига қадар 10 нафардан кўпроқ ТАТУ ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга қабул қилганмиз, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали кадрлар бўлими бошлиғи Турғуной Тешабоева. — Энди яна 16та бўш иш ўринлари яратдик. Шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимларимизга муҳандислар, операторлар ва хабарчилар зарур.

ТАТУ Фарғона филиали битирувчилари Ойбек Қодиров, Асроржон Маҳмудов, Эркинжон Пармонов ҳамда Фарғона шаҳар компютер технологиялари коллежи битирувчиси Сарвиноз Бозорова каби ёшларни қўлларига ишга йўланмалар билан хушнуд турганлигини кўриш жуда кўнглили эди.

— Менга «Ўзбектелеком» АК Фарғона филиалига йўланма беришганидан беҳад хурсандман. Филиалда бўладиган суҳбатдан ҳам ёруғ юз билан ўтиб, ишга қабул қилинсам, бор билим-иқтидоримни соҳа тараққиётига қаратаман, — деди Бахтиёржон Усмонов.

«Ўзбектелеком» АК Наманган филиали кадрлар бўлими бошлиғи Шухратжон Умаров



14та иш ўрни билан келишганини айтган бўлса, «ALSKOM» суғурта компанияси Фарғона филиали вакили Дилбархон Ҳасанова ёшларни суғурта агенти вазифасига тортсак айна муддао бўларди. Улар вилоятдаги 36 нафар моҳир агентларимизнинг сафидан ўрин олишар эди, деди. Фарғона тумани мактабларига, жумладан, 55-умумтаълим мактабига ҳам информатика фанидан ўқитувчи керак экан.

Вилоят ҳудудий бошқармаси маълумотномасида шундай сатрлар бор:

«Ярмаркада вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, касб-хунар таълими, халқ таълими бошқармаларидан соҳа йўналишидаги мутахассисларга эҳтиёжи бўлган 50та корхона ва ташкилотлар жами 475та бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар».

Ҳа, кейинги йилларда меҳнат бозорига бўш иш ўринларини таклиф этувчи ярмаркалар ўтказиш аъёнавийлик касб этмокда. Бузғу аъёна шарофати билан интеллектуал қуввати кучли йилг-қизлар жамиятда муносиб ўринларга эга бўлаётганлиги эртанги кунга ишонғни чандон оширади. Зотан, умидимиз, таянчимиз, бахтимиз бўлган ёшлар нафақат келажакимиз, балки бүгунги кунимизнинг ҳам ҳал қилувчи кучидир.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
«Xabar»нинг Фарғона  
вилоятидаги мухбири

### Самарқандда

Самарқандда ҳам бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда «Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК, «Электромагнит мослашув маркази» ДУК, «Радиоалоқа, радиоэшиштириш ва телевидение маркази» ДУК, Ахборот-кутубхона маркази, «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги филиал ва бўлимлари ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Ярмаркани ЎзАААнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Пўлатов кириш сўзи билан очди ва ярмаркада Самарқанд вилояти алоқа корхоналари 87та, Бухоро вилояти 37та, Жиззах вилояти 20та ва Навоий вилояти 23та бўш иш ўринлари билан қатнашаётганлигини баён қилди.

Шунингдек, ярмаркада «Ўзбектелеком» АКнинг UzNET ҳамда «ЎзМобайл» филиаллари, UZDIGITAL TV, «EastTelekom» корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар.

Ярмаркага ТАТУ ва касб-хунар коллежларининг 360дан ортиқ битирувчилари ташриф буюрди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
«Xabar»нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири



### Қаршида


Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Агентликнинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудий бошқармалари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали томонидан ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида фаолият юритаётган алоқа корхоналарининг раҳбарлари, етакчи мутахассислари иштирок этди.

Ярмаркада вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Қарши шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарлари ҳам иштирок этиб, 360та бўш иш ўринларини таклиф этдилар.

— Бўш иш ўринлари ярмаркасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги компютер ва ахборот технологиялари коллежларидан 174 нафарга яқин талаба, филиалимизнинг 158 нафар битирувчилари ҳамда ТАТУнинг 5 нафар магистри иштирок этдилар, — дейди ТАТУ Қарши филиали директори Одилбек Турғунов. — «Ўзбектелеком» АК филиали 11та, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали 14та, вилоят «Матбуот тарқатувчи» ШК 8та, Сурхондарё вилоят АКМ 1та, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги компютер ва ахборот технологиялари коллежлари информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича кафедралар учун ассистентлар, ўқитувчилар ва соҳа мутахассисликлари бўйича битирувчилар билан меҳнат битимини туздилар.

— Асли сурхондарёликман, — дейди ТАТУ Қарши филиалининг информатика ва ахборот технологиялари йўналиши битирувчиси Жасур Исмолов. — Ярмаркада Сурхон-

дарё вилоятидаги алоқа корхоналари ҳам иштирок этиши катта қулайлик ва имконият туғдирди. Сурхондарё вилоят ЭММХ фаолияти билан яқиндан танишиб, шу ернинг ўзида меҳнат битимини туздим.



Талбир давомида иштирокчилар ТАТУ Қарши филиалининг профессор-ўқитувчилари билан мулоқот олиб бориб, талабалар учун яратилган шaroитлар, фан хоналари, лабораториялар, кафедра фаолияти билан танишидилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
«Xabar»нинг  
Қашқадарё вилоятидаги мухбири

### Нукусда

ТАТУ Нукус филиалида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ва Нукус шаҳри бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ярмаркада Нукус шаҳридаги 19та коллеж, жумладан, алоқа соҳасига бириктирилган Нукус компютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, Хўжайли алоқа касб-хунар коллежи ҳамда Кегайли қурилиш ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежидан 300дан ортиқ битирувчилар, шунингдек, ТАТУ Нукус филиалини тамомлаётган 132 нафар ёш кадрлар қатнашишди.

Ярмаркада 72та корхона 192та бўш иш ўринлари билан, хусусан, алоқа соҳасидан 5та корхона 22та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ишга қабул қилиш бўйича жами 156та шартнома расмийлаштирилди, шундан алоқа соҳаси корхоналари томонидан ТАТУ Нукус филиалининг ўн нафар, касб-хунар коллежлари беш нафар битирувчиларининг резюмелари қабул қилинди.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ



Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги «Радиочастота спектри тўғрисида»ги қонуни ва Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 23 декабрда 1532-сон билан рўйхатга олинган Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (сотиш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва фойдаланиш тартибига риоя қилиш устидан назоратни ташкил қилишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга асосан тегишли ваколатли органлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ 2010 йилда Хоразм вилояти ИИБ, ЎзААА Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят Электромагнит мослашув хизмати ходимлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилди.

## Камчиликлар бартараф этилди

Тадбирлар жараёнида «Хоразм Элита Транс» МЧЖ томонидан ТАИС-PM-43 русумли қуввати 10Вт бўлган радиостанциядан Электромагнит мослашув марказининг тегишли рухсатномасиз фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб, МЧЖ раҳбарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди. Шунингдек, қоидабузарга радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш, қуриш, лойиҳалаш, четдан олиб келиш, сотиб олиш ва ўрнатиш учун Электромагнит мослашув марказидан тегишли рухсатнома олиш зарурлиги юзасидан тушунтиришлар берилди. Лекин кўрилган маъмурий чоралар ва тушунтиришларга қарамадан жамият томонидан тегишли хулосалар чиқарилмаган ҳамда қоидабузарлик йил давомида қайта содир этилган.

2011 йил январ ойида ваколатли органлар билан ҳамкорликда ишлаш юзасидан тасдиқланган

чора-тадбирлар режасига мувофиқ тадбир ўтказилганда жамият томонидан радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун тегишли рухсатнома олинмасдан фойдаланиб келинаётганлиги такроран аниқланди. Қоидабузарлик бир йил давомида такрор содир этилганлиги боис расмийлаштирилган ҳужжатлар тўплами ўз ваколатлари доирасида тегишли чора кўриш учун Урганч шаҳар Жиноят ишлари бўйича судига юборилди. Суд томонидан жамиятга нисбатан чора кўриш учун қарор қабул қилинди.

Хоразм вилояти ҳудудида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни қуриш (ўрнатиш) объектларини доимий фойдаланишга топширишда бир қатор камчиликлар аниқланмоқда. Жумладан, 2010 йил давомида «COSCOM» МЧЖ томонидан бир неча сотали алоқа таянч ва база станциялари, радиореде линия объектларини доимий фойдаланишга топшириш учун тақ-

дим этилган ҳужжатлар тўплами ўрганиб чиқилганда, бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги, масалан, қурилиши тугалланган объектларда радиоэлектрон воситалар нурланишининг техник параметрларини ўлчаш ишлари ўтказилганлиги бўйича баённомалар мавжуд эмаслиги, таянч станцияларда совуттичлар техник носоз ҳолатдалиги, таянч станцияларидан фойдаланиш учун ЭМММдан рухсатнома олинмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Unitel» МЧЖга қарашли Урганч шаҳар коммутиация хонаси технологик талабларга мос келмаслиги, яқка синовдан сўнг ускунани қабул қилиш бўйича ишчи ҳайъат далолатномаси 2010 йил 24 ноябрда, комплекс синовдан сўнг ускунани қабул қилиш бўйича ишчи ҳайъат далолатномаси 2010 йил 26 ноябрда тузилганлиги, коммутиация маркази бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари 2010 йил 16 декабрда тасдиқланганлиги маълум бўлди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан хўжалик юритувчи субъектларга тегишли хатлар билан хулосалар берилди ҳамда мазкур камчиликларнинг бартараф этилиши назоратга олинди. Шунингдек, хулосаларда кўрсатиб ўтилган камчиликлар тўлиқ бартараф этилишига эришилди.

**М.РАЖАПОВ,**  
Хоразм вилояти  
ДАИ бошлиғи



## Доимо хушёрмиз!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ҳамда режа асосида яқинда «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонасининг Самарқанд вилояти техник радионазорат станциясида фуқаро муҳофазаси бўйича объект ўқув машғулоти ўтказилди.

«ЭМММ» ДУК фуқаро муҳофазаси муҳандиси Насиба Асилова раҳбарлигида ўтказилган ўқув машғулотида Техник радионазорат станциясининг фуқаро муҳофазаси штаб бошлиғи Ёқуб Гаффаров ҳамда 1-тоифали муҳандис Отабек Узоқов, мобил алоқа муҳандиси Хуршид Тожиёв, иш юритувчи Светлана Фуломова, кўриқлаш бўлимида Рўзи Гафаров каби тўрт гуруҳ тузилма командирлари ўзларига қўйилган вазифаларни гуруҳлар аъзолари билан биргаликда бениҳсон адо этдилар.

Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг кичик сержанти Аъзам Турдиев бошчилигидаги қутқарув гуруҳи ўзларига бириктирилган махсус автолов билан ҳамкорликда ўқув машғулотларини олиб боришда қатнашди.

Машғулот давомида Аъзам Турдиев корхона ходимларига зилзила пайтида, ёнгин чиқиши ҳолатида ва бошқа фавқулодда вазиятларда ҳар бир раҳбар ёки ходимларнинг қандай иш юритиши бўйича фойдали маслаҳатлар берди ва амалий кўрсатди.

Бундай машғулотларнинг ўтказилиб турилиши корхона ходимларини ҳар доим хушёрликка ундайди.

*Ойибби*  
**АБДУРАҲМОНОВА**

«Ўзбекистон почтаси»

ОАЖ Қашқадарё филиалида «Почта хавфсизлиги бўлинмасининг энг яхши техниги» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловни филиал директори вазифасини вақтинча бажарувчи Фуломиддин Авазов кириш сўзи билан очиб, танловнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида атрафлича тўхтади. Танловни ўтказиш бўйича тузилган комиссия аъзоси, филиал Фуқаро муҳофазаси бўлими бошлиғи Маҳбуба Сагторова дастлаб почта алоқа тармоқларида ПХХ бўлинмаси техникларининг ишни ташкил этиши ҳолатлари ўрганиб чиқилганлиги тўғрисида ахборот бериб, ПХХ техникларининг фаолиятлари давомида ўз вазифаларини қай даражада бажараётганлиги ҳақидаги маълумотлар билан иштирокчилар ва ҳайъат аъзоларини таништирди.

Маълумотнома асосида ҳам иштирокчилар баҳоланиб бориб, навбатдаги шартда улар касбий билим маҳоратлари, лавозим йуриқномасида кўрсатилган вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, почта алоқаси хизматини кўрсати-



тиш билан боғлиқ саволларга жавоб бердилар. Бундан ташқари, иштирокчилар фаолиятларини акс эттирувчи фотоалбомлар, кўргазмалари, ахборот технологиялари ёрдамида тайёрлаган слайдларини намойиш этдилар.

Эркин мавзуда ҳам иштирокчилар фаолиятлари билан боғлиқ саҳна кўринишлари, ишдан бўш вақтларида шуғулланганидан қизиқишлари намойиш этилди.

— Кўрик-танловимиз мустақиллигимизнинг 20 йиллиги санаси олдидан

рида ходимларимиз давлатимиз мустақиллигининг шонли саналари билан боғлиқ саволларга ҳам тўлақонли жавоб бериши ҳайъат аъзоларини жуда қувонтирди. Айниқса, республикамизнинг географик жойлашуви, юртимиз тарихи, бугуни, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонун-ҳужжатлар, уларнинг моҳияти, инсон ва унинг манфаатлари йўлида олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар, мустақиллик солиномаси, таъсис этилган орден ва медаллар, ички ва ташқи иқтисодий алоқа-

лар, ислохотлар, мустақиллик йилларининг номланиши, давлат дастурларининг ижроси хусусида атрафлича тўхталиб, фикр ва мулоҳазаларини, билимларини намойиш эта олдилар.

Қизгин баҳслар остида ўтган танлов якунига кўра, Шаҳрисабз ПАТ ПХХ бўлинмаси техниги Хусан Алиқулов энг юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллади ва рангли телевизор билан тақдирланди. Бешкент ПАТ ПХХ бўлинмаси техниги Хусниддин Авазов иккинчи ўринга муносиб топилиб, уяли телефон аппарати билан, Яқкабоғ ПАТ ПХХ бўлинмаси техниги Қувончбек Исмаилов учинчи ўринни эгаллаб, DVD-плеер билан мукофотландилар.

Қолган иштирокчиларга ҳам эсдалик совғалари топширилди.

*Афтондил* **ИСМОИЛОВ,**  
«Хабар»нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири

## Энг яхши техник

➔ **KO'RIK-TANLOV**



# Биз танлаган йўл

## тараққиётнинг юксак марраларига элтади

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Иккинчи мақола

**Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш** демократик янгиланишлар жараёнининг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги ҳал қилувчи вазифадир. Шу боис ҳам истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданок суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотларни жорий этишга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратиб келинмоқда.



Судларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимояловчи органга айлантириш, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб боришга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан чиқариш имконини берди. Ана шу мақсадларга йўналтирилган бир қатор муҳим қонун ҳужжатларининг қабул қилингани ва амалиётга жорий этилгани мамлакатимизда инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият эканини ҳаётий исботидир. Жинсий азозларнинг йил сайин либераллашиб бораётгани, қамқоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилгани, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани, ярашув институти йўлга қўйилиши ва бошқа бир қатор омилар мустақилликка эришганимиздан сўнг биз қўлга киритган энг улкан муваффақиятлардан биридир.

Бу борадаги ижобий ишларни келгусида ҳам изчил давом эттириш мақсадида Президентимиз ўз маърузасида соҳага оид бир қатор қонун ва кодексларга ўзгартиш киритиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва такомиллаштириш йўлида янги қонуналарни ишлаб чиқиш заруратини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтди. Айниқса, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янги тахрирда қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунни ҳаётга жорий этиш, адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан билдирилган мулоҳазалар долзарб аҳамиятга эга эканлиги билан бирга, юртимизда инсонпарварлик ва адолат тамойилларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадим ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш эса фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик ҳисларини шакллантириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ишла-

римизнинг сифат ва самардорлигини янги босқичларга олиб чиқади.

**Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш** фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис ҳам Юртбошимиз аксарият чиқишларида, албатта, бу соҳани ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида давлатимиз раҳбари мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берар экан, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ОАВни янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио ва телевидение фаолиятини жонлаштириш, уларнинг интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш билан бир қаторда, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига ҳам мадал бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ОАВни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, медиа-мақомага илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган ўнга яқин қонун ва қўллаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўтган йилнинг 12 ноябр кунги қўшма мажлисдаги маърузасида ҳам Президентимиз мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни танқидий баҳолаш баробарида муҳим бир масалага эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, жум-

ладан шундай деди:

“Яъни бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолари масалаларни ҳал этиш ҳақида бормоқда”.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун, биринчидан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида” қонун қабул қилиш лозимлиги таклиф этилди. Мазкур қонуннинг амалиётга жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очик ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Иккинчидан, демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган АКТ соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида” қонун қабул қилиш таклифи билдирилди. Ушбу қонун телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур ҳуқуқий механизмларни яратиш имконини бериши таъкидланди.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини

янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини жорий қилиш мақсадида “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуналарни қабул қилиш зарурлиги айтиб ўтилди. Бу қонуналар ахборот бозори иширокчилари фаолияти самардорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Тўртинчидан, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Бу борада, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари, ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни белгилаш даркорлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш мақсадида “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизими-га ўтиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

**Х**ақиқатан ҳам, мамлакатимизда ва дунёда кечаётган жараёнлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари ишида ҳам янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки бўлиши табиий ҳол. Бу, ўз навбатида, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи янги қонуналарни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги қонун меъёрларига эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, уларни такомиллаштиришни талаб қилади. Шу маънода мамлакатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланган қонунчилик ташаббуслари кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВнинг ўрни ва ролини юксалтириш, юртимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, воқеа ва ҳодисаларни плюрализм, яъни фикрлар хилма хиллигини инобатта олган ҳолда акс эттириш, бунда қонуналарда белгиланган ҳуқуқлар билан бирга, журналистларнинг масъулиятини ҳам ошириш борасида муҳим ўринга эга.

(Давоми бор.)

Шўҳрат ДЕҲҚОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

## Начались прием документов

20 июня 2011 года Приемная комиссия Ташкентского университета информационных технологий в 8:30 начала свою деятельность по приему документов на 2011-2012 учебный год.



Генеральный директор Узбекского агентства связи и информатизации, ректор университета Х.Мухитдинов поздравил первого абитуриента ТУИТ 2011 года и вручил ему подарок университета.

Приемная комиссия университета продолжает принимать документы от абитуриентов на 2011-2012 учебный год по 18-ти образовательным направлениям.

Акционерная компания «Узбектелеком» вступил в качестве спонсора в организации процессов приема документов от абитуриентов, обеспечения необходимыми наглядными материалами и создание удобств для сотрудников приемной комиссии.

Бурное развитие информационных технологий определяет повышенный спрос на специалистов отрасли. Поэтому не случайно очередная Ярмарка труда в Ургенче прошла на площади у парадного входа в здание Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологий, выпускники которого ежегодно пополняют ряды работников сферы.

## Ярмарка труда в Ургенче

Её организаторы — областное территориальное управление Узбекского агентства связи и информатизации и городской центр по содействию занятости населению предложили посетителям ярмарки широкий выбор наиболее востребованных специальностей — программистов, операторов, инженеров-электронщиков, техников по ремонту и обслуживанию телекоммуникационных систем.

Привлекательно выглядел на ярмарке стенд Хорезмского областного информационно-библиотечного центра, на

котором были размещены многочисленные экспонаты, буклеты, программы, отображающие деятельность центра по информационно-библиотечному обслуживанию населения, внедрению современных информационных технологий. Большой интерес у выпускников, преподавателей, студентов вызвали разработки по созданию электронных каталогов, картотек, папок, баз данных, инновационных проектов. На демонстрационном табло были представлены видеоролики о работе ИБЦ.

Прошедшая ярмарка рабочих мест стала полезной как для организаторов, так и для ее участников. По результатам собеседований наиболее подготовленные выпускники университета и профильных колледжей получили направления на работу. В свою очередь, предприятия, входящие в ведомство Агентства связи и информатизации, укрепились дипломированными специалистами.

**Эльмира ХАМИДУЛЛИНА,**  
зам.директора по  
библиотечной работе  
Хорезмского областного ИБЦ

### НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

#### NOKIA МОЖЕТ УТРАТИТЬ ЛИДЕРСТВО НА РЫНКЕ СМАРТФОНОВ

Аналитики компании Nomura прогнозируют существенную перестановку сил на мировом рынке смартфонов.

Они полагают, что уже в текущем квартале Nokia, с 1996 года возглавляющая список производителей смартфонов, уступит лидерство компании Samsung. А в третьей четверти 2011-го финнов вполне может «передвинуть» на третье место Apple.

В 2012 году, считает Nomura, Nokia продолжит падение: вплотную к ней подберется тайваньский производитель HTC.



#### SGI ОБЕЩАЕТ 500-КРАТНЫЙ РОСТ МОЩНОСТИ СУПЕРКОМПЬЮТЕРОВ

Разработчик суперкомпьютеров Silicon Graphics International намерен к 2018 году создать суперкомпьютер, который будет в 500 раз производительнее самых мощных сегодняшних машин. Достичь подобных высот SGI намерена за счет использования процессоров Intel и специальных акселераторов, которые также намерена про-

изводить корпорация. Технический директор SGI Энг Лим Го говорит, что значительный скачок в производительности суперкомпьютерных систем можно будет ожидать, когда системы и прикладное программное обеспечение полностью научатся использовать возможности параллельного процессинга данных.

#### GOOGLE ОЦИФРУЕТ 250 ТЫСЯЧ КНИГ ИЗ БРИТАНСКОЙ БИБЛИОТЕКИ

Британская библиотека и поисковая система Google объявили о сотрудничестве, целью которого является оцифровка 250 тысяч книг из национальной библиотеки Великобритании.

Британская библиотека, которая является одной из крупнейших библиотек мира по числу единиц хранения, заявила, что планирует предоставить ученым и студентам доступ к материалам, свободным от копирights.

#### MICROSOFT СТАЛ ПОСТАВЩИКОМ СОФТА ДЛЯ ОЛИМПИАДЫ-2014 В СОЧИ

Компания Microsoft стала официальным поставщиком программного обеспечения для зимней Олимпиады-2014 в Сочи.

Соответствующее соглашение подписано президентом оргкомитета «Сочи 2014» Дмитрием Чернышенко и президентом ООО «Майкрософт Рус» Николаем Пришибниковым в присутствии зам. председателя правительства РФ Дмитрия Козака и президента Microsoft International Жана-Филиппа Куртуа.

«Соглашение с Microsoft особенно ценно на фоне того, что эта компания имеет уникальный опыт сотрудничества с оргкомитетом Игр в Пекине. Поэтому в Microsoft

«изнутри» знают потребности олимпийских проектов и гарантируют для их осуществления применение самых передовых программных решений. Программное обеспечение от Microsoft ляжет в основу инновационного комплекса методических и практических решений для организаторов крупных спортивных мероприятий», — говорится в пресс-релизе компании.

По условиям соглашения, Microsoft также возьмет на себя внедрение и сервисное обслуживание предоставленного ПО. Сервисная поддержка будет включать прямую связь с разработчиками программ и технологий Microsoft.

#### Расширение географии

международного роуминга от «МТС-Узбекистан»

Крупнейший оператор сотовой связи Узбекистана «МТС-Узбекистан» сообщает, что в мае 2011 года к списку роуминг-партнеров добавилось 5 новых операторов.

В мае 2011 года услуга международного 3G-роуминга, то есть возможность пользования услугой пакетной передачи данных на высоких скоростях, стала доступна абонентам «МТС-Узбекистан» в сетях ещё 4 операторов: MTN Irancell (Иран), Mfone (Камбоджа), TMN (Португалия), Zain (Судан). Отметим, что скорость передачи данных в сети роуминг-партнера, работающего в стандарте 3G с применением технологии HSDPA, может достигать 3,6 Мбит/сек.

В настоящее время абоненты «МТС-Узбекистан», имеющие телефоны с поддержкой стандарта UMTS (HSDPA), могут получить доступ к высокоскоростной передаче данных, используя 3G-роуминг в сетях 126 операторов в 80 странах мира.

Кроме того, с мая 2011 года стало возможным пользование услугой GPRS-роуминга в сетях компаний BaykalWestCom (Россия), MTN Irancell (Иран), Mfone (Камбоджа). Таким образом, на сегодняшний день GPRS-роуминг стал доступен абонентам компании в сети 165 операторов в 95 странах мира.

Также абоненты «МТС-Узбекистан» могут воспользоваться услугой международного голосового роуминга в сетях 350 операторов-партнеров МТС в 180 странах мира.

#### «Билайн» снижает стоимость мобильного интернета до \$0,002

«Билайн» сообщает об улучшении условий тарифного плана «Клик» и услуги «Клик Макси». Теперь с тарифом «Клик» можно пользоваться интернетом в ночное время всего по \$0,01/1 Мб без абонентской платы.


Комментируя событие, коммерческий директор по развитию массового рынка «Unitel» Марат Сериков отметил: «Пользоваться мобильным интернетом «Билайн» стало приятно, как никогда. Максимально гибкие условия позволяют каждому абоненту выбрать тот режим работы, который подходит именно ему. Кроме того, беспрецедентное снижение стоимости ночного интернета сделало его доступным абсолютно для всех».

Обновленная услуга «Клик Макси» предлагает пользоваться мобильным интернетом днем (с 09:00 до 01:00) по \$0,02/1 Мб, а ночью (с 01:00 до 09:00) — всего по \$0,002/1 Мб при абонентской плате \$0,4 в сутки. При этом переходы между «Клик» и «Клик Макси» бесплатны.

Тариф «Клик» также предоставляется с услугой «USB-модем Билайн». Подробности на сайте [www.beeline.uz](http://www.beeline.uz).

# Хабар +tv

## ДУШАНБА — 27 ИЮН



5.55 Кӯрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Ишк җирати", Т/с.  
9.30 "Ҳадинома",  
8.45 - 9.30 "Малайча" дастури.  
9.30 Мультипликация.  
10.00 "Ғае Театр. Бор", 1-қисм.  
10.35 "Иқлим".  
10.40 "Саломатлик сарвари".  
11.00 "Абборот".  
11.10 "Мари Лестер", Т/с.  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
12.50 "Кўнгли қўнқ истайдиган".  
13.00 "Бир ўлақ-ки".  
13.20 "Ватанпарвар".  
14.00 "Абборот".  
15.25 "Одам ва одам" дастури: "Ҳай".  
16.20 "Корражик".  
16.40 "Ишк даре оралиқча".  
17.00 "Абборот".  
17.15 "Одам сўз".  
17.55 "Иқлим".  
18.00 "Кўнгли қўнқ истайдиган".  
18.05 "Бозор сайёраси".  
18.05 "Эрталаб - ашқилолига етказар".  
19.25 "Сўнги қиролча", Т/с.  
19.05 "Кун мануси".  
19.20 ТВ - шифорат.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
20.30 "Абборот", рус./  
20.10 "Оттин мерос".  
20.20 Миллий сериал: "Умр манзаралари".  
21.00 "Абборот".  
21.40 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳақидаги кўнрақ  
"Мақсад сўз".  
22.40 "Иқлим".  
22.45 "Лоқин", Т/с.  
23.30 - 23.40 "Фари".  
23.40 Кӯрсатувлар дастури.  
23.45 "Кун мануси".  
00.00 "Юртин бўлбод" дастури: "Отин манзаралари".  
00.15 "Одам сўз".  
00.55 "Кўнгли қўнқ истайдиган".  
1.00 "Абборот", рус./  
1.35 - 2.35 "Малайча" дастури.  
2.35 "Корражик".  
2.55 "Оттин мерос".  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
4.00 "Абборот".  
4.35 Миллий сериал: "Умр манзаралари".  
5.15 "Куларнинг бирча".  
5.30 "Ишк даре оралиқча".  
5.50 - 5.55 "Фари".



5.55 "Дастирунги оғиллаши".  
6.00 "Муҳажирнинг дунё".  
6.30 "Yoshlar-FM".  
7.00 "Ғуздор мактаби".  
7.40 "Ёшлик наволар".  
8.00 Миллий сериал: "Мехмондонлардан айланиш".  
8.40 "До-ми-соль".  
9.00 "Мультипликация".  
9.20 "Сигна Ҷирмоғи".  
10.00 "Дарварафта ичиши".  
10.30 "Осиё", Т/с.  
11.20 "Қорқаниққ ёшлари".  
11.40 "Ёшлик наволар".  
12.00 "Қорқаниққ", Т/с.  
12.50 "Истиқбол солномаси".  
13.00 "Дарв".  
13.10 "Аббоси ва ҳақиқат".  
14.00 "Миллий серос".  
14.10 "Орган оқиллари".  
15.00 Миллий қисм: "Радио".  
15.50 "UzEX".  
16.00 "Дарв".  
16.10 Миллий сериал: "Мехмондонлардан айланиш".  
16.50 "Истиқбол солномаси".  
17.00 "Миллий мултипликация".  
17.10 "Тележаурини ўқитишни учтириш". Б/ф.  
18.30 "Дарв мануси".

18.50 "UzEX".  
19.00 "Дарв".  
19.30 "Осиё", Т/с.  
20.20 "Ёшлик наволар".  
20.40 "Ўнқат назар".  
21.10 "Қорқаниққ", Т/с.  
21.30 "Дарв".  
22.00 "Миллий қисм: "Радио-2".  
22.30 "Ёшлик наволар".  
23.50 "Тошша болонганида", Б/ф.  
1.20 "13-студия".  
2.00 "Дарв".  
2.30 "Ўнқур", Т/с.  
4.20 "Орган оқиллари".  
5.50 "Ишон психологиса".  
5.55-5.55 "Юрт тинчилиги".



7.25 Кӯрсатувлар тартиби.  
7.30 "Салом, Тошкент!"  
8.30 Тошкент тароналари.  
8.45 "Интервью".  
8.55 "Интеллектуал аукцион".  
9.05 "Тез ифори", Т/с. 25-қисм.  
9.35 "Тензиоллар".  
9.50 "Беҳбоднинг ёшлари", Б/ф.  
11.05 "Репортаж", рус./  
11.15 "Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари", Б/ф.  
11.30 "Салом, Тошкент!"  
14.00 "Дунё", теледустур.  
15.00 "Пошта".  
15.20 "Қаққарулар", М/ф. 1-қисм.  
16.00 "Ёз ифори", Т/с. 26-қисм.  
16.30 Тошкент тароналари.  
16.45 "Миттинвайр ойнаси".  
17.05 "Эрталаб эгалари".  
17.25 "Менон шидҳи".  
17.45 "Қасбим фарим".  
18.00 "Пошта".  
18.30 "Дарв".  
18.40 "Қар ортиси".  
19.00 "Интеллектуал аукцион".  
19.10 "Энлик".  
19.30 Тошкент тароналари.  
19.45 "Телекурьер-маркет".  
20.00 "Пошта".  
20.25 "Бизнес-пойнт".  
20.30 "Шахсонининг қўнлиги", Т/с.  
21.00 "Интервью".  
21.15 Тошкент тароналари.  
21.30 "Телекурьер-маркет".  
21.40 Миллий сериал: "Ангика қуён".  
22.05 "Уларим".  
22.10 "Репортаж", рус./  
22.30 "Пошта", рус./  
22.50 "Кино SMS со звездями".  
23.00 "Добро утро", Х/ф.  
00.50 "Кўрсатувлар тартиби".  
00.55 "Эко-пойнтлар", рус./  
1.05 "Оқиллар дери".  
1.35 "Марияна", Х/ф. 1-қисм. /  
2.40 "Уларим".  
2.45 "Товчи муқаддас".  
3.15 "Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари", Б/ф.




6.00 "Хайри тоғ".  
6.10 "Саломат бўлиш".  
6.30 "Паҳлавонлик мактаби".  
6.50 "Жасур болалар".  
7.25 Болалар майдончаси: Тоғтин пияматсика.  
"Спортландия", Мультифильм.  
8.00 ХАБАРЛАР.  
8.30 "Саломат бўлиш".  
8.50 Футбол. U-17 жаҳон чемпионати.  
10.35 "Съатб билиги", Ток - шоу.  
11.50 Футбол. U-17 жаҳон чемпионати.  
13.00 Рақамлар, нитоллар, рейтирлар.  
13.05 Болалар майдончаси: "Спортландия", Мультифильм.  
13.35 "Ринг қироллари".  
14.40 Тенис. Уимблдон турнири.  
16.15 Футбол. Европа лигаси.  
"Динчо", Киев - "Спортинг".  
18.00 Болалар майдончаси: "Спортландия", Мультифильм.  
18.30 ХАБАРЛАР.


18.50 Саломатлик хазинаси.  
18.55 "Спорт журналистикаси - кеча ва буғун".  
19.15 "Спорт-тур".  
19.25 "Футбол шарҳи".  
20.05 Сузиш. Парик очққ чемпионати.  
20.35 "Ташриқ".  
21.30 ХАБАРЛАР.  
21.55 Футбол. U-17 жаҳон чемпионати.  
23.35 Селлабид дастури аниқси.  
23.45 Самбо. Жаҳон чемпионати.  
1.15 Хобарлар.  
1.40 Футбол. Жаҳон кубоғи. Аёллар.  
3.30 Формула - 1 Истанбул гран прени. Саралиш.  
4.15 Футбол. Европа лигаси.  
"Динчо", Киев - "Спортинг".




7.00 7.40 9.00 10.30 14.00 15.30 18.10  
19.30 20.35 21.55 Эўбек наволари.  
7.30 Prime time (уб)  
8.10 Сериал "Хонани эркак".  
9.40 Сериал.  
11.30 "Мисини нематолима-2" Х/ф.  
14.40 Сериал "Хонани эркак".  
17.30 "Премьера".  
18.00 Prime time (уб)  
18.40 Сериал "ХОНАКИ ЭРКАК".  
20.00 "Тон-и".  
21.10 Сериал "ВИЗИТЕРЫ".  
22.00 "ПОНКА ТИ СПАГ" Х/ф.  
00.00 Миксер.  
1.30 Сериал "ЛАС ВЕГАС".  
3.00-5.00 "ПЕКЛО" Х/ф.




04.00, 08.05 "Добро утро".  
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости  
08.35 Контрольная закупка  
09.00 "Жизнь здорово!"  
10.00 "ЖЭК".  
11.20 Молный приговор  
12.20 "Детектив".  
13.00 Другие новости  
13.25 Понять. Простить.  
14.30 "Хочу знать".  
15.00 Т/с. "Обручальное кольцо".  
15.50 Федеральный судья  
17.00 Вечерние новости  
17.15 Т/с. "Следа".  
17.50, 03.05 "Давай поженимся!".  
18.50 "Пусть говорят".  
20.00 "Время".  
20.30 Т/с. "Серфияма Прекрасная".  
21.30 "Наследник, любой ценой".  
22.20 Ночные новости  
22.45 "Торжественная пиканья".  
"Боржана".  
23.40 Дневник 33-го Московского Междугородного кинофестиваля  
23.50 Комедия "Кошки-мышки".




04.00 "Утро России".  
08.05 "С новым годом!". Ток-шоу.  
09.00 "О самом главном". Ток-шоу.  
10.00 13.00 15.00 19.00 Вести.  
10.30 13.30 15.30 19.30 Местное время. Вести.  
10.50 "Алтайский самородок. Панкратов-Черныш".  
11.50 "Кулиги и партнери".  
13.50 Вести. Десятичная часть.  
14.05 "Евросфера. Продолжение". Т/с.  
15.50 "Все к лучшему", Т/с.  
16.55 "Рисунки блоггерских девч". Т/с.  
17.55 "Прямой эфир".  
19.50 "Спокойной ночи, малыши".  
20.00 Т/с "Безаши".  
21.50 Т/с "Тайны следствия".  
22.50 "Вести".  
23.10 "От Помпеи до Исландии. Кто следующий?".  
00.00 "Профилактика".  
01.15 Фильм "Иллюминация".




02.55 "НТВ утрот".  
06.30 Снежные веди...  
07.30 08.20 13.30 16.30 Обдор.  
Чрезвычайное происшествие.  
08.00 11.00 14.00 17.00 21.15 Сегодня.  
08.55 "До суда".  
10.00 Суд присяжных.  
11.25 "Прокурорская проверка".  
12.40 "Дашаге киргизска".  
14.30 Т/с. "Воображение Мухтара".  
17.30 Т/с. "Легендарный".  
19.30 Т/с. "Час Волкова".  
21.35 Честный понедельник.  
22.25 "Школа злодеяния". Ток-шоу.  
Татьяна Толстая и Анатолий Смирнов. Мария Бородинская.  
23.10 Главная дорога.



06.00 "Евросфера" на русском языке  
09.00, 14.50, 18.30, 22.50 Новости культуры.  
09.25 Х/ф "Братская любовь".  
11.25 Великие романы XX века.  
Николай и Александра.  
11.55 "Линия жизни". Вячеслав Полушин.  
12.50 Великие театры мира.  
13.15 Снежинка "Острова в океане".  
14.30 Д/ф "Мировые сокровища культуры".  
15.00 М/с.  
15.40 "Х/ф "Заплатка на тресе".  
16.25, 00.55 "Остров агриутов". Д/с.  
16.50 Неделя народного искусства.  
17.40 "XIV Международный конкурс им. П. И. Чайковского". Сладчайшук.  
18.00 "Тайны русского оружия".  
18.45 Главная роль.  
19.00 "Острова".  
19.45 Д/ф "Внутри планеты Земля".  
20.35 "Инцирон. Адриана школа".  
21.05 Х/ф "Возвращение в Крепость".  
22.00 "14 других... Арнольд Арнольд".  
Автоспорт проект Михаила Левитина.  
22.50 "Ферри".  
23.30 В. Моцарт. Концерт №24 для фортепиано с оркестром.  
00.05 "Искатели". "Золотые ворота Владимира".



05:00 "Как я встретил вашу маму".  
05:55 12:30 М/с.  
06:30 15:30 18:00 "Патина дочка".  
07:00 "Светогор".  
07:30 "Даша, молодежь".  
08:00 23:45 "6 кадров".  
08:30 Х/ф "Скайлайн".  
10:15 14:30 17:30 "Берлаш".  
11:30 "Новости" Драмеди.  
16:30 "Таллоу".  
19:00 "Аматюзи". Иронический детектив.  
20:00 "Мелодия Лавров". Иронический детектив.  
21:00 Х/ф "Мистер и миссис Смит".  
23:15 Шоу "Григский пьеменин".  
Луаче.



05:00 М/ф.  
09:45 Т/с "Третья планета от солнца".  
06:15 15:00 "Как это сделано".  
06:45 Д/ф "Тибетий мести".  
07:15 14:00 Т/с "Затерянный мир". Т/с.  
08:15 Д/ф "Эффект Нострадамуса".  
09:15 Т/с "Нюгата".  
11:00 Д/ф "Далко и еще далше с Микелем Колуловым".  
12:30 18:00 Т/с "Мужчина во мне".  
13:00 Д/ф "Человек: право на вечную жизнь. Дхамане".  
15:30 Д/ф "Решит вечные молодости".  
16:00 Д/ф "Жизнь после жизни: последние трагедия".  
17:00 Т/с "Быть Эркой".  
19:00 Т/с "Кости".  
20:00 Т/с "Транс".

25 (979) -son  
2011-й/11-27-й/июн

Хабар

7

ТОШКЕНТ

5.55 Курсулар дастури.  
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"  
7.00 "Иккинчи".  
7.05 "Одам ва одам" дастури. "Замин" профилбоғлари.  
7.20 "Кунги кўлик, истайд!"  
7.25 "Сўнги қиролчи". Т/с.  
8.00 "Абсорб".  
8.40-9.20 "Малайча" дастури.  
9.20 ТелеТеатр: "Бот", 2-қисм.  
9.55 Самарқанд вилоят телерадиоком-  
паниyasi нимоиш этиди.  
10.15 "Қабилята илгон". Т/с.  
10.55 ТВ - шафқаткор.  
11.00 "Абсорб".  
11.15 "Любия". Т/с.  
12.00 "Ассалом, Узбекистон!"  
12.05 "Кўнги кўлик, истайд!".  
13.00 "Абсорб" (инглиз).  
13.10 Миллий сериал: "Умр манзаралари"  
"Бозилар сайрабди".  
13.45 "Сексин қизам". М/с.  
14.00 "Абсорб".  
14.20 "Олтин ҳаёт". Ток-шоу.  
15.05 "Иккинчи".  
15.10 "Одам ва одам" дастури: "Ҳаёт".  
16.10 "Тевор хабарлар".  
- 09.15 "Непутевые заметки"
- 09.30 "Пока все дома"
- 10.20 Фазеиза
- 11.15 Т/с. "Семейный дом"
- 13.30 Среда обитания.
- "Ядовитая посуда"
- 14.45 X/ф. "Маши и море"
- 16.20 "Белая птица". Концерт Елены Ваенги
- 18.10 Т/с. "При загадочных обстоятельствах"
- 20.00 Воскресное "Время". Информационно-аналитическая программа
- 21.00 "Музыл личности"
- 21.30 "Что? Где? Когда?" Финал
- 22.35 "Yesterday live"
- 23.30 Дневник 33-го Московского Международного кинофестиваля
- 23.40 X/ф. "Голубой Макс"

РОССИЯ 1

- 07:25 "Смехопанорама Евгения Петросяна".
- 07:55 "Сам себе режиссер".
- 08:40 "Утренняя почта".
- 09:20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.
- 10:00 13:00 Вести.
- 10:10 "С новым домом!". Днев до вась.
- 10:25 Т/с "Семейный очаг".
- 13:20 Местное время. Вести-Москва.
- 13:30 Т/с "Семейный очаг".
- 15:20 "Песня года". Часть первая.
- 19:00 Вести недели.
- 20:05 X/ф. "Польна - трава окаянная".
- 22:00 "Специальный корреспондент".
- 23:00 Триллер "Автоответчик: Удаленные сообщения"

НТВ

- 03:00 "Алтарь Победы. Блокада".
- 04:00 Острозажетный Т/с. "Слетит группа".
- 06:00 08:00 11:00 14:00 Сегодня.
- 06:45 Лотерея "Русское лото".
- 06:45 Их нравы.
- 07:25 Едим дома.

- 08:20 "Живут же люди".
- 08:50 "Пир на весь мир".
- 10:00 Дачный ответ.
- 11:20 Премьера. Отс "Знаки судьбы".
- 13:05 Следствие вели...
- 14:20 "Развод по-русски".
- 15:20 И снова здравствуйте!
- 16:20 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
- 17:00 "Сегодня. Итоговая программа"
- 18:00 Чистосердечное признание.
- 18:50 "Центральное телевидение". Первое информационное шоу.
- 20:00 X/ф. "Шхера-18".
- 21:50 "Игра".
- 22:50 Авторитет.
- 23:20 Кевин Костнер в фильме "Уайатт Эрп"

РОССИЯ K

- 05.30 "Евроноас" на русском языке
- 09.10 "Обыкновенный концерт с Эдуардом Эфировым"
- 09.40 X/ф. "В добрый час"
- 11.15 "Легенды мирового кино". Леонид Харитонов
- 11.45 М/ф.
- 13.05 Д/ф "Призраки Европы"
- 13.35, 00.55 "Краски воль". Д/с. "Живой свет океана"
- 14.30 Д/ф "Павел элани. Начало"
- 15.10 "Судьба Фигаро"
- 18.25 Д/ф "Марлен Худиев"
- 19.05 X/ф. "Лва Фелера"
- 20.30 Вера Васильева. Творческий вечер в театре Студии
- 22.00 X/ф. "Нулевой километр"
- 23.45 Д/ф. "Горячий воздух"

СТС

- 05:00 М/с
- 08:00 "Самый умный".
- 09:45 12:30 15:00 15:30 "Ералаш".
- 11:00 "Сыщите это немедленно!"
- 14:00 "Мосгорсмех".
- 15:50 "Древо молодёжи"
- 18:20 "Рога и копыта". X/ф
- 20:00 X/ф. "Ван Хельсинг".
- 22:20 Шоу "Уральских пельменей". Лучшее.
- 22:50 "Большая светская энциклопедия".
- 23:20 X/ф. "Верилка Салмон".

ТВ3

- 05:00 М/ф
- 06:00 М/с
- 08:00 Т/с Удивительные странствия Гераска!
- 09:00 X/ф. "Пассажир 57".
- 10:45 "Удив миен".
- 11:45 Д/ф "Архивы НЛО: котийский розвель".
- 12:45 X/ф. "Долгий посыл на ночь".
- 15:15 Т/с "Нихита".
- 17:00 Д/ф "Алокалипсис. Перенаселение планеты".
- 18:00 X/ф. "Дерь отпа".
- 20:00 X/ф. "Призраки Марса".
- 22:00 Д/ф "Жизнь после людей: дом, который рухнул".
- 23:00 Т/с "Настоящая кровь".
- 00:00 X/ф. "Не говори не слова".



### Душанба

06:00 Мумтоз наволар  
06:30 15:45 19:00 "Форум вақти"  
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатuvi  
07:00 "Янги авлод"  
07:15 Мультифильм  
07:30 15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
08:05 "Озод шоу" кўнгилочар кўрсатuvi  
09:00 12:00 18:00 "Худудий хабарлар"  
09:05 16:05 19:45 22:00 "Муҳаббат изтироблари" т/с (11-қисм)  
09:45 16:45 19:30 "Бизнес-промо"  
10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"  
10:05 "Парламент соати" ахборот таҳлилий дастури  
10:35 Кутилмаган томоша  
10:45 11:45 15:30 19:15 00:15 НТДда мусиқа  
11:00 "Хаёт қадри" (35қисм)  
12:05 "Стивен Гласснинг уйирмаси" б/ф  
13:45 "Олтин қадам-2011" тақдирлаш маросими  
15:20 "Иқтисодий лойиҳа"  
17:00 "Хазина" телешоуинкортиниси  
18:05 "Карина-Карина" т/с (112-қисм)  
18:30 "Боалар худуди"  
18:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
21:00 "Озод юрт тўқинлари - 2011" медиа фестивали  
22:35 "Улфетлар" б/ф  
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Сешанба

06:00 Мумтоз наволар  
06:30 10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"  
06:35 15:45 19:00 "Форум вақти"  
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатuvi  
07:00 "Янги авлод"  
07:15 Мультифильм  
07:30 15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
08:00 "Озод юрт тўқинлари - 2011" медиа фестивали  
09:00 12:00 18:00 "Худудий хабарлар"  
09:05 16:05 19:45 21:35 "Муҳаббат изтироблари" т/с (12-қисм)  
09:45 16:45 19:30 "Бизнес-промо"  
10:05 Ҳужжатли фильм  
10:35 Кутилмаган томоша  
10:45 11:45 13:45 15:30 19:15 00:15 НТДда мусиқа  
11:00 "Хаёт қадри" т/с (41-қисм)  
12:05 "Улфетлар" б/ф

14:00 "Озод шоу" кўнгилочар кўрсатuvi  
15:20 "Иқтисодий лойиҳа"  
17:00 "Хазина" телешоуинкортиниси  
18:05 "Карина-Карина" т/с (113-қисм)  
18:30 "Боалар худуди"  
18:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
21:00 "25-қадр" кинокўрсатuvi  
22:20 "600 килограмм олтин" б/ф премьера  
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Чоршанба

06:00 Мумтоз наволар  
06:30 10:30 16:00 "Пойтахт хабарлари"  
06:35 15:45 19:00 "Форум вақти"  
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
06:55 10:00 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатuvi  
07:00 "Янги авлод"  
07:15 Мультифильм  
07:30 15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
08:00 "25-қадр" кинокўрсатuvi  
08:35 10:45 11:45 15:30 19:15 00:15 НТДда мусиқа  
09:00 12:00 18:00 "Худудий хабарлар"  
09:05 16:05 19:45 21:35 "Муҳаббат изтироблари" т/с (13-қисм)  
09:45 16:45 19:30 "Бизнес-промо"  
10:05 "Ижод лазмати" кўрсатuvi  
10:35 Кутилмаган томоша  
11:00 "Хаёт қадри" т/с (42-қисм)  
12:05 "600 килограмм олтин" б/ф премьера  
14:00 "Озод юрт тўқинлари - 2011" медиа фестивали  
15:20 "Иқтисодий лойиҳа"  
17:00 "Хазина" телешоуинкортиниси  
18:05 "Карина-Карина" т/с (114-қисм)  
18:30 "Боалар худуди"  
18:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
21:00 "Тошойна"  
22:20 "Улфетлар - 2" б/ф  
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Пайшанба

06:00 Мумтоз наволар  
06:30 "Пойтахт хабарлари"  
06:35 14:40 15:45 19:00 "Форум вақти"  
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатuvi  
07:00 "Янги авлод"  
07:15 Мультифильм  
07:30 15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
08:00 "Тошойна"  
08:35 10:45 11:45 13:45 15:30 19:15 00:15 НТДда мусиқа

09:00 12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"  
09:05 16:05 19:45 21:35 "Муҳаббат изтироблари" т/с (14-қисм)  
09:45 16:45 19:30 "Бизнес-промо"  
10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"  
10:05 "Дийдор ширин" дам олиш кўрсатuvi  
10:35 Кутилмаган томоша  
11:00 "Хаёт қадри" т/с (43-қисм)  
12:05 "Улфетлар - 2" б/ф  
14:00 "25-қадр" кинокўрсатuvi  
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"  
15:20 "Иқтисодий лойиҳа"  
17:00 "Хазина" телешоуинкортиниси  
18:05 "Карина-Карина" т/с (115-қисм)  
18:30 "Боалар худуди"  
18:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
21:00 "Таҳил"  
22:20 "Омдасизлар" б/ф премьера  
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Жума

06:00 Мумтоз наволар  
06:30 10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"  
06:35 14:40 15:45 19:00 "Форум вақти"  
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатuvi  
07:00 "Янги авлод"  
07:15 Мультифильм  
07:30 15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
08:00 "Таҳил"  
08:30 10:45 11:45 13:45 15:30 19:15 00:15 НТДда мусиқа  
08:50 15:20 "Иқтисодий лойиҳа"  
09:00 12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"  
09:05 16:05 19:45 21:35 "Муҳаббат изтироблари" т/с  
09:45 19:30 "Бизнес-промо"  
10:05 "Буни ҳаёт лейдилар" кўрсатuvi  
10:35 Кутилмаган томоша  
11:00 "Хаёт қадри" т/с (44-қисм)  
12:05 "Омдасизлар" б/ф премьера  
14:05 "Тошойна"  
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"  
16:40 "Боалар худуди"  
16:50 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
17:00 "Хазина" телешоуинкортиниси  
18:05 "Карина-Карина" т/с (116-қисм)  
18:30 "Боалар худуди"  
18:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
21:00 "Фонд форум кинофестивалидан олдин" кўрсатuvi  
22:20 "Севинатор" б/ф  
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Шанба

06:00 Мумтоз наволар  
06:30 14:35 "Худудий хабарлар"  
06:35 14:40 16:30 "Форум вақти"  
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
06:55 11:30 19:45 "Оналик бахти" кўрсатuvi  
07:00 "Янги кайфият"  
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
08:00 Боалар соати  
09:00 15:30 "Пойтахт хабарлар"  
09:05 "Муҳаббат изтироблари" т/с  
11:15 15:40 19:50 00:15 НТДда мусиқа  
11:35 "Севинатор" б/ф  
13:15 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури  
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"  
15:00 "Эслийсизим" дастури  
15:15 Кутилмаган томоша  
15:35 Кинотабассум  
16:00 "25-қадр" кинокўрсатuvi  
16:45 19:30 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоуинкортиниси  
18:00 "600 килограмм олтин" б/ф  
20:30 "Парламент соати"  
20:35 "Ғап" кўнгилочар кўрсатuvi  
21:30 Кечки кинозал: "Сантам" б/ф (Ҳиндистон)  
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

### Якшанба

06:30 Мумтоз наволар  
07:00 "Форум вақти"  
07:25 Кинотабассум  
08:00 Боалар соати  
09:00 "Муҳаббат симфонияси" т/с  
11:55 19:45 "Оналик бахти" кўрсатuvi  
12:00 "Ғап" кўнгилочар кўрсатuvi  
13:00 "Сантам" б/ф (Ҳиндистон)  
16:00 "Форум хабарлари"  
16:15 "Тошойна"  
16:45 19:30 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоуинкортиниси  
18:00 "Омдасизлар" б/ф  
19:50 00:15 НТДда мусиқа  
20:00 "Ижод лазмати"  
20:20 "Бахти ўйин" телеўйини  
20:50 "Юзма - юз" кўрсатuvi  
21:00 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури  
22:30 "Севинатор - 2" б/ф  
00:15 Тунингиз хайрли бўлсин!

## Юқори даражали доменлар кўпаяди

Ҳозир интернетда 22та юқори даражали домен мавжуд бўлиб, яқин орада уларнинг сони кескин ошиши кутиляпти. Гап шундаки, интернетдаги домен номлари ва рақамли манзиллар бошқарувчиси — ICANN интернет-корпорацияси (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers) юқори даражали янги домен номларини рўйхатга олишни кўзда тутувчи дастурни тасдиқлади. Энди истаган компания, ташкилот ёки масалан, шаҳар ўз доменига эга бўлиши мумкин. Бу одатдаги .com, .us доменлари ёнига охири .apple, .solu, .london каби сўзлар билан тугаган интернет-манзиллар кўшилишини англатади. Дарвоқе, жисмоний шахслар ўз доменларини очиши мумкин эмас.



Ушбу янги қоидалар ICANNнинг жорий йил 20 июн кунини Сингапурда ташкиллаштирилган анжуманида тасдиқланди. Шу ўринда янги доменлар (gTLD)ни ишга тушириш жараёни ICANN учун нақ олти йилга чўзилганини айтиб ўтиш ўринли.

Доменларни рўйхатга олиш бўйича аризалар қабул қилиш 2012 йилнинг 12 январидан бошланиб, уч ой давом этади. Маълум қилинишича, битта ариза бадал пули 185 минг АҚШ долларини ташкил этади ва қайтариб берилмайди. Доменни ишга тушириш бундан-да қимматроққа тушиши аниқ. Шунга қарамасдан, доменлар бошқарувчиси 2013 йилга бориб юзлаб янги доменлар пайдо бўлишига умид қилмоқда.


Мутахассислар бу доменлар кўпроқ йирик компаниялар ва савдо ташкилотларини қизиқтириши ҳақида гапиришяпти.

## Энди японлар биринчи

Япониянинг Fujitsu компанияси ҳамда Riken илмий-тадқиқот институти ҳамкорликда чиқарган «К» суперкомпютери жаҳоннинг энг қудратли 500 суперкомпютери рейтингда биринчи ўринга кўтарилди.

«Нихон Кэйдзай Симбун» газетасининг хабар беришича, «К» бир сонияда 8,16 млрд. амалиёт бажара олади, бу собиқ пешқадам — Tianhe-1A (Хитой)дан уч баравар юқори кўрсаткичдир.

Японлар сўнгги етти йилда ўз мавқеларини қайта тиклашди. Улар «К» суперкомпютеридан сайёраимиздаги иқлим ўзгаришларини ҳисоблашда фойдаланишмоқчи. Лойиҳа 975 млн. еврога баҳоланган.



## DVD йўқолиш хавфи остида

Айни пайтгача Blu-ray ва HD DVD каби нисбатан юқори сифатли тасвирни кафолатловчи видеоформатларга DVDнинг асосий рақобатчилари сифатида қараларди. Масалан, Digital Entertainment Group маълумотларига кўра, бир йилда америка оилаларида Blu-ray қурилмаларни харид қилиш 62 фоизга ўсиб, сони 27,5 млн.га етган.

Бироқ энди вазият ўзгармоқда — интернет ва рақамли контент DVDнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин.



## Марадона хитойликларни кечирмади

Афсонавий футболчи Диего Марадона икки Хитой компанияси (Sina веб-портали ва The9 Limited онлайн-ўйинлар оператори)ни судга берди.

Марадона хитойликларни унинг номи ва ташқи кўринишидан ноқонуний фойдаланганликда айбляпти ва эвазига 20 млн. юан (тахминан 3 млн. доллар) товон пули сўраган.

Sina ва The9 ҳамкорликда ўтган йил июн ойида Winning Goal (“Ғалаба тўпи”) ўйинини ишга тушириб, маркетинг кампаниясини футбол юлдузи ҳам қўллаб-қувватлашини маълум қилишганди. Марадона эса, аксинча, ҳеч қачон хитой компанияларига ўз номидан фойдаланишга рухсат бермаганини айтган.

Sina компанияси воқеаларни шарҳлашдан бош торган, The9 эса Марадондан кечирим сўради. Бироқ собиқ футболчи узрни қабул қилмади ва ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишини маълум қилди.



## Google ўзгарди

Google компанияси шахсий компьютерлар учун ўз қидирув тизимига қатор ўзгаришлар киритди.

Ўзгаришлардан бири овозли қидирув тизими — Voice Search бўлиб, Googleнинг мобил фойдаланувчиларига яхши таниш. Қидирувни амалга ошириш учун қидирув майдони ёнидаги микрофон пиктограммасини босиб керакли сўзлар айтилса кифоя. Ҳозирча бу функция фақат Chrome браузерининг инглизча шакли учун амал қилмоқда.

Яна бир янгилик тасвирлар орқали қидириш — Search by Image воситаси-

дир. Бунда қидирув сўрови сифатида фотография, тасвирларга иловалардан фойдаланилади. Инсонлар юз тузилишини эмас, балки географик ҳудудларни аниқлашга мўлжалланган бу тизим Chrome ва Firefox браузерларида 40та тил учун мавжуд.

Ўзгаришларнинг охириги — Instant Pages тизими бўлиб, “Google жонли қидируви”нинг мантқий ривож ҳисобланади. Энди қидирув тизими қидирув натижалари биринчи қаторидаги натижаларни автоматик юклайди ва бу сайтларнинг очилиши тезлашади.

## Филмни шунчаки томоша қилмайсиз...

Кинотехнологиялар, бир қадам олдинга! Биринчи интерактив 3D-киноасар сифатида тарихга кириши кутилётган “Сценарий” филмининг режиссёри Деннис Дел Фаверо худди шундай фикрда. Бу филмни шунчаки томоша қилмайсиз, балки унинг сюжети ривожда ўзингиз ҳам иштирок этасиз...

Олдйроқ айтганда, бу худди компютер ўйинига ўхшаш, филмдаги воқеалар ривож, қаҳрамонлар тақдирини бевосита томошабинларга боғлиқ. Хуллас, компютер технологиялари энди кинофилмларга ҳам шитоб билан қўйиб реал ҳаёт ва “экран орти ҳаёти” уйғунлашиб боряпти.

## Устувор вазифалар

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ҳамда “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиалларида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган қатор маънавий-маърифий талбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда шундай талбирлардан бири Қўқон почта алоқаси тармоғида бўлиб ўтди. Талбирда Қўқон давлат педагогика институти “Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси Абдували Ҳомидов “Дин ниқобидаги мафқуравий хуружларга қарши кураш” мавзусида, шу кафедра ўқитувчиси Олимхон Хўжаев Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси юзасидан сўзга чиқиши.

Олимлар “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида босқичма-босқич амалга ошириляётган ишларга, концепцияда белгиланган қонунлар қабул қилинаётганига ҳам алоҳида тўхталдилар.

Ҳ.АСҚАРОВА

## Саломатлик — туман бойлик

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон учун соғлиғидан ҳам қимматроқ нарса йўқ. Айниқса, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилувчи ишчи-хизматчилар ҳар томонлама саломат бўлсаларгина ишла-рида яхши самарага эришишлари мумкин.

Ўзларида ишловчи ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашни муҳим вазифа деб билган “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси раҳбарлари шу йилнинг 20-21 июн кунлари компания ходимлари ва киоск сотувчилари, ҳайдовчи-экспедиторлар, шунингдек, илгари компанияда ишлаб бугунги кунда кескалик гаштини сураётган фахрийларни малака-ли тиббий-кўриқдан ўтишлари-

га шароит яратиб бердилар.

Тиббий-кўриқ давомида улар ички касалликлар, кўз ва томоқ-бурун, юрак, асаб касалликлари шифокорлари қабулида бўлиш билан бирга, УЗИ аппаратидан ҳам ўтиб, ўз саломатликлари қай даражада эканликлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдилар.

— “Матбуот тарқатувчи” АК маъмурияти ҳамда касоба уюш-маси қўмитаси ўртасида тузил-

ган шартномага асосан белгиланган вақтда ана шундай тиббий кўриқ ташкил этилган, — дейди компания касоба уюшмаси қўмитаси раиси Мавжуда Одилова. — Бу талбир республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини олдида ташкил этилган ходимларимизни янада қувонтирди. Улуг байрам арафасида ходимларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бошқа йўлларини ҳам ўйлаб қўйганмиз. Мақсадимиз компания ишчи-хизматчилари учун меҳнат шaroитларини янада яхшилашдир.

М.МИРКАМОЛОВА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Оммавий ахборот воситалари ривожлантиришга, жумладан, мазкур тармоқнинг муваффақиятли шаклланиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда муҳим ўрин тутувчи «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Натижада ОАВлар фаолиятига оид мустақам ҳуқуқий асос яратилди, ОАВни эркинлаштириш, мустақиллигини кучайтириш, уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий ҳаётидаги ролини янада ошириш бўйича чоралар кўрилди. Шу билан бирга, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари кенгайтирилди. Ахборот соҳасидаги ўзгаришлар, талаб ва эҳтиёж йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бунинг ортидан фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида эътибор қаратилиши лозим бўлган қатор масалалар юзага келмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг эпиклигини, шунингдек, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни баргараф қилиш билан боғлиқ муаммоларни масалаларни ҳал этиш каби долзарб вазифаларга алоҳида тўхталиб, ахборот соҳасини ислоҳ этиш борасида яна бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тақдирини билдирган эди. Булар: «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиш, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Меъёрий-ҳуқуқий базанинг янада такомиллаштирилиши миллий матбуотимизнинг сифати, маҳорат ва таъсирчанлигини оширишга, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга, уларни ёритишда ОАВга қўшимча шарт-шароитлар яратилиши ва шу орқали кучли фуқаролик жамиятини изчил шакллантиришга хизмат қилиши, шубҳасиздир.



## ОММАВИЙ ахборот воситалари ва АКТ

Медиа-макон йўналишида тақдир этилаётган янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, шунингдек, телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ҳамда мустақиллиги принципларини белгилаб бериш, радиочастоталарни олиш учун ўтказилган тендерларнинг демократик ва ошқоралигини таъминлаш, телерадио соҳасидаги асосий принципларни белгилаш, жумладан, рақамли телевидениега ўтиш муносабати билан истеъмолчиларга умуммажбурий тусдаги каналларни қабул қилиши кафолатлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиб беради.

Телевидение ва радио бугунги кунда энг катта аудиторияга эга оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши, телерадиокўрсатувларни узатиш тизимига босқичма-босқич рақамли технологиялар жорий этиш натижаси ўларок, соҳага рақамли, мобил ва интернет-телевидение каби мутлақо янги медиа-тузилмалар кириб келяпти.

Айни пайтда юртимизда рақамли телевидение жорий этиш мақсадида Тошкент телеминорасида учта, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида биттадан рақамли телевидение узатиш қурилмалари ишга туширилган. Рақамли телевидение 2011-2015 йилларда ривожлантириш Давлат дастури лойиҳаси тайёрланган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида 2011 йилда Нукус, Урганч, Андижон ва Қарши шаҳарлари телемарказларида замонавий рақамли уза-

тиш ускуналарини ўрнатиш, аҳолини рақамли форматдаги теледастур-трансляцияси билан қамраб олишни 23

фонддан 37 фоизга ошириш, шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида рақамли телевидение учун махсус мосламалар (ТВ-тюнерлар) ишлаб чиқариш қувватини 50 минг донга етказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилаётган барча ўзгаришлар, хусусан, ОАВ борасида эришилаётган ютуқлар мазкур тармоқни либераллаштириш ва унда замонавий АКТдан кенг фойдаланиш самара бераётганлигидан далolat беради.

Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар самараси ўларок, ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган ОАВ сони 1200дан ошди. Босма ОАВнинг сони 1,5 баробар, электрон ОАВ сони эса 7 баробарга кўпайди.

Мамлакат парламентининг мустақил ОАВ фаолиятини қўллаб-қувватлаши медиа воситаларининг янада либераллашуви, ахборот олиш имкониятларининг кенгайиши, эркин фикр билдириш, ошқоралик ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг очиқ-ойдинлигини таъминлаш имконини берапти. Натижаларни рақамларда ҳам кўриш мумкин:

Мавжуд барча босма нашрларнинг 60 фоизи, телеканалларнинг 53 фоизга яқини, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВ ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда мутахассислар

ОАВни урта асосий турга ажратмоқда, бу — матбуот, телевидение ва радио, интернет. Уларнинг ҳар бири, шубҳасиз, ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Аммо ахборот-коммуникация технологияларининг «фарзанди» бўлмиш интернетнинг таъсир доираси тобора ошиб борапти.

Интернет бошқа ОАВ турларидан фарқланади, яъни қатор қўлайликларга эга: маълумотлардан такроран фойдаланиш, сақлаш имконияти ва оперативлик (ҳодиса бўлиб турган вақтнинг ўзида ахборотни тарқатиш) имкониятларга кенг.

Анъанавий ОАВдан афзалликларини бу — унинг мултимедиялиги, яъни фойдаланувчига нафақат матн, балки видео, овозли ахборотлар ҳам тақдим эта олади. Бундан ташқари, фақат интернет-нашр фойдаланувчиларга реал вақт тартибда юз бераётган воқеаларни шарҳлаш, таҳририят билан доимий алоқада бўлиш имконини берувчи ноёб интерфаол имкониятга эга.

Интернет-нашрларнинг асосий афзал жиҳатларидан яна бири — уларнинг кенг тарқалганлиги ва оммабоплигидир. Интернет-ОАВ тақдим этаётган маълумотлар билан ҳеч қандай муаммосиз дунёнинг исталган жойидан АКТ ёрдамида танишиш мумкин. Бугунги иқтисодий шароитларда матбуот, телевидение ва радиога нисбатан интернет-ОАВнинг рўйхатдан ўтиш жараёни соддалаштирилган ва ахборот маҳсулотини ишлаб чиқариш учун камроқ молиявий маблағлар сарфланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, интернет-ОАВ анъанавий ОАВнинг энг яхши ютуқ ва жиҳатларини ўз ичига олиб, уларни бирлаштириб, ахборот бозорида мутлақо янги хизматларни тақдир қилмоқда.

Интернетга билдирилаётган бу эътирофлар босма нашрлар, радио ва телевидениенинг аҳамиятини заррача пасайтирмайди. Глобаллашув жараёнида ахборотга бўлган талаб ошса-ошадик, камаймайди. Шундай экан, нафақат интернет, балки бошқа оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳам жадаллашиб бораверади.

Эътироф этиш лозимки, медиа-маконга илгор ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, бу бордада мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ахборотлашган жамият сари ташланаётган муҳим қадам ҳисобланади.

Лутфилло ТУРСУНОВ

# "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ



*27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан юртимизда фаолият кўрсатаётган барча тадбирчи ва уларнинг ижодий жамоаларини қизгин муборакбод этади!*



*Азиз ижодкорлар!*

*Сизларни касб байрамингиз билан сизқидилдан табриклаб, барчангизга оммавий хотиржамлик, масъулиятли ва шарафли ишларингизда зафарлар тилаймиз!*

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан мамлакатимизнинг барча ижод аҳлини қутлайди!**

## "ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ" ДУК ЖАМОАСИ

*Республикаимизда фаолият кўрсатаётган журналистларни, шу жумладан, "Xabar" газетаси ходимларини 27 июн – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан самимий табриклайди!*



Урганч автомобил ва йўл қурилиши коллежида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида учрашув бўлиб ўтди.

## Тадбиркорликка кенг йўл

Тадбирда “Камолот” ЁИХ вилоят бўлими, “Микрокредитбанк” ОАТБ Хоразм филиали мутахассислари С.Отажонов, Ш.Ҳасановлар иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, кейинги йилларда солиқ тизими ва солиққа тортишни тубдан ўзгаргани ва солиққа тортиш қонунчилигига ўзгаришлар киритилганлиги тўғрисида маълумотлар бериб, ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшларга имтиёзли кредитлар, зарур ҳужжатлар, макромолиявий ва рўйхатдан ўтишдаги хизматлар, микрофирма ва кичик корхоналарни солиққа тортишдаги имтиёзлар тўғрисида гапирдилар. Урганч автомобил ва йўл қурилиши коллежи ди-

ректори, Ўзбекистон Қаҳрамони Э.Каримов ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятларга, истиқлол ғояларига садоқат, маънавий, ғоявий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб етишишга даъват этиб, 2011 йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан ўз бизнесини ташкил қилмоқчи бўлган ёшларга давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Хоразм вилоят АКМ сектор мудирини Н.Цой иштирокчиларга вилоят ахборот-кутубхона марказида инновацион технологияларни кенг қўллаш ҳисобига замонавий хизмат турларини жорий қилиш, алоқа соҳасида тадбиркорликни

ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар, интернет хизматидан фойдаланиш масалаларига тўхталиб, марказда ўз тадбиркорлик ва бизнесини бошламоқчи бўлган ёш тадбиркорлар учун “Солиқ ва божхона хабарлари”, “Иқтисодиёт ва молия”, “Иқтисодиёт ва таълим” журналлари ва бошқа матбуот нашрларида чоп этилаётган мақолалар сканерланиб тематик папкалар ташкил этилганлиги ва ёшларга бемалол АКМга келиб улардан фойдаланишларини таъкидлади ва тадбиркорликка оид слайд ва фотосуратлар билан таништирди.

Учрашув сўнггида коллеж ўқувчилари томонидан “Касбим фахрим” мавзусида саҳна кўриниши намойиш этилди.

**Исмоил СОДИҚОВ,**  
Хоразм вилояти АКМ  
бош кутубхоначиси

## Элга мададкор

Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Иқтисодиёт коллежи ахборот-ресурс марказида Савдо-сотилқ палатаси Тошлоқ тумани унитар корхонаси, маданият ва спорт ишлари туман бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва “Нуроний” жамғармаси туман бўлинмалари ҳамкорлигида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб “Ёш тадбиркор — элга мададкор” мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

Ушбу кўрик-танловнинг асосий мақсади касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш мақсадида ажратилаётган кредитлардан оқилона фойдаланишга ўргатиш, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига бўлган қизиқишларини янада орттириш эди.

Тадбирда АРМ ходимлари томонидан “Тадбиркорлик ривожини — тараққиёт омили” номи китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргаз-

мага Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, метъерий ҳужжатлар, тадбиркорликка оид қонунлар, адабиётлар қўйилди.

Қизиқарли ва баҳсларга бой бўлган танловда Ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчиси Мадинахон Аҳмадова барча шартлар бўйича ўз билимини намойиш этиб, биринчи ўрин соҳибаси бўлди.

Тадбир сўнггида иштирокчи талабаларга Ўзбекистон либерал демократик партияси, “Миллий тикланиш” партияси ва “Нуроний” жамғармаси туман бўлинмасининг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, танлов иштирокчиларига “Микрокредитбанк”нинг бир миллион сўмлик сертификати топширилди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Яйпан почта алоқаси тармоғи ходими **Муҳаммадраҳим МУҲАММАДАМИНОВ**ни 55 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар бахту иқболлини кўришлигини тилайди.

“Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали жамоаси ва касба уюшмаси кўмитаси Музработ телекоммуникациялар боғамаси бошлиғи **Хушвақт КЕЛДИЕРОВ**ни табаррук 60 ёшга тўлагани билан муборакбод этади ва унга узоқ умр, мустақкам соғлиқ, оилавий тотувлик тилайди.

“ЎИ-Термиз” филиали жамоаси филиал хизматчиси **Зайнабой МЕЙЛИЕВ**Ани таваллуд кунига 50 йил тўлиши муносабати билан табриклар, унга мустақкам соғлиқ ва хушқайфият тилайди.

### “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамизнинг барча оммавий ахборот воситалари ходимларини 27 июн куни нишонланадиган касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.



Ўзларига соғлиқ,  
ижодий баркамоллик тилайди!

### ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиздаги барча журналистларни 27 июн — Мамбуқот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан самимий табриклайди.





## Офарин, ўсмирлар!

Мексикада 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати қизгин палласига кирди. Энг асосийси, вакилларимиз дастлабки ғалабани қўлга киритиб миллионлаб ўзбек мухлисларига кувонч улаштирди.

Дастлабки ўйинда ҳаяжон, асосий футболчиларнинг ўйнамаслиги, жазирама ҳаво, вақт тизимига мослашиш ва ҳоказо мураккабликлар сабаб терма жамоамиз бир қарашда кучсиз кўринган Янги Зеландия терма жамоасига ўйинни аламли тарзда бой бериб қўйгани (1:4).

АҚШ терма жамоасига қарши ўтказилган иккинчи турда ўйинчилар ҳам, жамоа мураббийлари ҳам дастлабки мағлубиятдан тўғри ҳулоса чиқаришганини чин маънода исботлашди. Тўғри, хатолар ҳам кузатилди, лекин ўйинчиларимизнинг ғалабага бўлган иродаси олдида чехларни йирик ҳисобда доғда қолдирган америкалик футболчилар ҳам тиз чўкишди. Муҳими, энди ҳаммаси



ўзимизнинг қўлимизда — чехлар янги зеландияликлар устидан қозонилган ғалаба билан гуруҳдаги вазиятни тенглаштириб қўйишди. Ҳаммага учтадан очко бор (тўғлар нисбати: Янги Зеландия — 4-2, АҚШ — 4-2, Ўзбекистон — 3-5, Чехия — 1-3).

**АҚШ — Ўзбекистон — 1:2**

**Голлар:** 0:1 — Давлатов (13), 1:1 — Коррома (47), 1:2 — Махталиев (54, пеналтидан).

**Чехия — Янги Зеландия — 1:0**

**Гол:** 1:0 — Юлис (28).

## Испаниядан ғалаба билан

Испанияда Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти — W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Нуфузли беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган ўзбек жанг санъати усталари тўрт олтин, беш кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кадрларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли миллий спорт турларимиз халқаро майдонда кенг оммалашмоқда, — дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Пўлат Усмонов. — Спортчиларимизнинг қисқа муддатда улкан ғалабаларни қўлга киритаётгани ана шу гамхўрликнинг амалдори ифодасидир. Ўтган йили ўзбек жанг санъати усталари Италияда W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионатида ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Бутунжаҳон яккакурашлар фестивалида ҳам муваффақиятли иштирок этганди.

Дунёнинг энг кучли яккакураш усталари иштирокида ўтказилган W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионатининг комплекс машқ бажариш ва яккама-якка беллашув баҳсларида Аҳмадулло Усмонов, Достон Раҳмидинов, Жаҳонгир Аъзамов ва Санобар Ашурова биттадан олтин ва кумуш медални қўлга киритган бўлса, Абдулла Ҳамидуллаев кумуш ва бронза медал билан тақдирланди.

## Мурасасиз беллашув ғолиби

Бухородаги “Golden ball” спорт мажмуасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят худудий бошқармаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан республикамиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ “Ўзбектелеком” АҚнинг Бухоро филиали ва вилоятдаги барча шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари жамоалари иштирокида мини-футбол бўйича мусобақаларнинг вилоят босқичи ўтказилди.

Ниҳоятда кескин беллашувлар остида ўтган мусобақада жамоаларнинг ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўриб келганликлари кўзга ташланди. Финал баҳсида майдонга тушган Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси футболчилари ўз рақиблари — Жондор ТБ спортчиларини 5:3 ҳисобида мағлуб этишга муваффақ бўлдилар ҳамда фахрли 1-ўринни қўлга киритдилар. Жамоа сардори Отабек Жўраев, ҳужумчилар Акмал Захиров, Истам Тешаев, ҳимоячи Шамшод Султонов, ярим ҳимоячилар Ихтиёр Неъматов, Санъат Абдуллаев, дарвозабон Сайфи Муродовларнинг бу ғалабага қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди.

Жондор ТБ иккинчи, 3-ўриндан эса “Ўзбектелеком” АҚнинг Бухоро филиали жамоаси жой олди.

Мусобақа ғолиби ва совриндорлари филиал маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, “Энг яхши ҳакам”, “Энг ёши улуг қатнашчи”, “Энг яхши мураббий”, “Энг яхши ташкилотчи”, “Энг яхши ҳужумчи”, “Энг яхши тўпурач”, “Энг яхши дарвозабон”, “Энг яхши ҳимоячи” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Асқар ИСТАМОВ,

“Xabar”нинг

Бухоро вилоятидаги мухбири

## Жаҳон кубоги учун курашади

Пойтахтимизда шахмат бўйича эркаклар ўртасида жаҳон кубоги ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон биринчилигида иштирок этадиган шахматчиларни аниқлаш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий саралаш мусобақасининг эркаклар ўртасидаги баҳсларида ҳамюртимиз Антон Филиппов ғалаба қозонди.

Тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғарган спортчимиз олтин медал соҳиби бўлди ва жаҳон кубоги финалига чиқиш имкониятини қўлга киритди.

## OBUNA-2011

### “Xabar”га қаерда обуна бўлиш мумкин?

- Хонадонингиз ёки ишхонангизга энг яқин жойлашган “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг почта алоқаси бўлимларида;
- “Матбуот тарқатувчи” АК матбуот дўконларида;
- “Матбуот тарқатувчи” АҚнинг [www.akmt.uz](http://www.akmt.uz) веб-саҳифасида жойлашган интернет-обуна бўлимида.

Яратилган имкониятдан ўз вақтида фойдаланинг!

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиали Хўжайли туман почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ ходими Хожабай Хайруллаевага ладари бузруквори  
Ази ота ХАЙРУЛЛАЕВнинг  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва касба уюшмаси қўмитаси жамоаси “Телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация тизимлари” кафедраси профессори  
Владимир СОНИНнинг  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Шу кунларда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Алоқачи” болаларни соғломлаштириш оромгоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари фарзандлари ўртасидаги Болалар олимпиадаси давом этмоқда. Мусобақаларда Тошкент вилояти терма жамоаси шарафини “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент филиали ходимларининг фарзандлари муносиб ҳимоя қилишяпти.

## Почтачилар фарзандлари болалар олимпиадасида



Жамоа “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент филиали ва унинг таркибидаги почта алоқаси тармоқлари ходимларининг 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган 13 нафар фарзандидан ташкил топган бўлиб, уларга филиал вакили Нодира Дусанова бошчилик қилмоқда.

Шахмат мусобақаларида Қодиржон Худойбердиев ва Нодира Раҳмонова, шашка беллашувларида Нодир Ўткиров ва Нозима Худойбердиева, стол тенниси бўйича Амир Габбасов ва Шоҳиста Қурбонбоева иштирок этса, мини-футбол жамоаси Рамзиддин Турғунбоев, Нодирбек Холбоев, Суннат Елубаев, Жаҳонгир Облоқулов, Бекзод Набиев, Абдурахмон Жўраев, Шерзод Ҳусановлардан ташкил топган.

Болаларнинг спорт мусобақаларида кўнгилдагидек иштирок этиши ва, албатта, ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун филиал ва оромгоҳ мутасаддилари томонидан барча шароитлар яратиб берилди.

Собит АҲАДОВ,  
“Xabar” мухбири

Ахборот-ресурс марказида касбини сидқидилдан севган ва унинг масъулиятига содиқ бўла оладиган ходимлар меҳнат қилмоқда. Шу боис, коллеж ёшлари улар ҳузурига ўзгача кайфият билан келишади. Ўқиган китоби ҳаётнинг баъзи сирли қирраларини билишга хизмат қилганини айтишади. Ўз навбатида, ҳамкасбларим янги китоб танлашда уларга яқиндан ёрдам беришади.

Аксинча, миллий ғоя руҳи билан суғорилган адабиётлар ўзликни англашда, неча минг йиллик қадриятларни тиклашда катта аҳамият касб этиши ёшларга тушунтирилмоқда. Ахборот-ресурс марказимизда мустақиллик кунининг 20 йиллиги олдида “Ўз ўлкангни сев ва ўрган” деб номланган кўргазма

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН АСКАРИ

Ўзларининг билим савиясини янада ошириш мақсадида бўш вақтларини кутубхоналарда ўтказиб келаётган Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 53765-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари орасида «Йилнинг энг яхши китобхони» кўрик-танлови ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар — сержантлар Дилмурод Курбонов, Бахтиёр Мамажонов, оддий аскарлар Мирзоалим Охунов, Нодир Алиев, кичик сержант Ўктам Шодиев, катта лейтенант Ғолибжон Каримовлар ўзaro беллашдилар.

Кўрик-танлов ташкилотчиси — Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази раҳбарияти томонидан тузилган ҳакамлар ҳайъати ҳар бир шарт бўйича ҳарбийларнинг бажарган ишларини баҳолаб борди.

Ҳарбий хизматчилар асосан учта шарт бўйича беллашдилар: 1-шарта ҳарбийлар ўзлари тайёрлаган китобга, илмга ва адабиётга аталган кўкрак нишонларини таърифлаб бердилар, 2-шарта тест саволлари асосида уларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий-маърифий билимларини синовдан ўтказилган бўлса, 3-шарта иштирокчилар ўзлари ўқиган охириги китоблар ҳақида тавсиф бердилар.

Биринчи шарт бўйича кўкрак нишонини тайёрлаб келган ҳар бир ҳарбийнинг заковати таҳсинга лойиқ бўлса, иккинчи шарт уларнинг ҳаёти давомида орттирган билимлари қай даражада эканлигини кўрсатиб берди. Учинчи шарт бўйича аскарларнинг чиқишлари даврадагиларни гўёки китоблар оламига қизиқарли саёҳатта чорлагандек бўлди.

Кўрик-танлов нафақат ҳарбийларнинг маънавий-маърифий билиминини оширишга, балки уларнинг мазмунли дам олишига ҳам хизмат қилди. Ғолиб бўлган кичик сержант Ўктам Шодиев вилоятдаги ҳарбий қисмлар ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловда 53765-ҳарбий қисм шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танлов якунида ғолиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Нигорахон МАШРАБОВА,**  
Бобур номидаги Андижон вилояти АКМ ИУБ етакчи кутубхоначиси

# Комиллик калити

Кутубхоначи ва китобхон ҳамкорлигининг энг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчи-ёшларнинг маънавий етуқлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай мақсадли ўзгаришлар алома-ти ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирларимизда яққол кўзга ташланипти.

Яқинда Музработда “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остида фестивал бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча касб-ҳунар коллежларидан вакиллар иштирок этишди. Мустақиллик кунининг 20 йиллигига бағишланган бу байрамолди тадбирида бизнинг Агросоанот касб-ҳунар коллежимиз ёшлари ўз билим ва маҳоратлари билан ажралиб туришди. Туғилиб ўсган Ватанга муҳаббат ва унинг бағрида миллий гурур ва ифтихор билан яшаш ҳисси улар намойиш этган дастурларда кенг ас эътирилади. Истиқлол йиллари таваллуд топган ўғил-қизларимизнинг ўз Ватани тақдирининг бутунини ва келажаги учун

масъулиятни чуқур ҳис этаётгани, энг муҳими, мустақил ва янгича фикрлай олаётгани мени қувонтирди. Негаки, шундай комиллик сифатларини шакллантиришда ота-оналар қатори аҳил жомамизнинг ҳам ўзига яраша улуши бор десам, асло адашмаган бўламан.

Дарҳақиқат, ёш авлодни Ватанга ҳамда халқимизнинг азалий урф-одатлари ва анъаналарига чексиз ҳурмат-эҳтиром билан тарбиялаш доимо диққат-эътиборимизда турибди. Шу мақсадда тез-тез китобхонлар анжуманлари, билимдонлар беллашувлари, ҳаётнинг “имтиҳони”дан ўтган факрилар билан учрашувлар ҳамда шеърят кечалари ўтказиб келинапти. Ўз навбатида, истиқлол йиллари нашр этилган бадий публицистик асарлар ҳамда дарсликларга бағишланган “Янги китоблар кўни” тадбири ташкил этилмоқда. Бу хайрли ишимиз ҳеч қачон мавсумий ёки расмийлик учун ўтказилмапти.

ташкил этдик. Уни кузатган ёшлар юртимизнинг табарруқ қадамжолари ва бебаҳо обидаларга бой манзил эканлигини яна бир бор дилдан ҳис этишди.

Кейинги йилларда фаолиятимизни янада чуқур ёндашилган ҳолда олиб боришимиз учун замонавий имкониятларга эга бўлмоқдамиз. Магбуот ва китобларнинг электрон вариантлари яратилмоқда. Маънавият тарғиботи билан боғлиқ тадбирларимизда ахборот-коммуникация технологиялари аҳамияти катта бўлапти.

Мустақиллик кунининг 20 йиллиги олдида ўтказиётган амалий тадбирларимиз, шубҳасиз, ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашга ва ижобий таъсир кўрсатмоқда. Гап шундаки, ўқилаётган китоблар чин маънода комиллик калити саналади. Руҳиятимиз озۇқасига дўст тутинган ҳар бир киши, албатта, максалига етади. Шундай экан, келажаги буюк Ватанимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Бибигул ҚУРБОНОВА,**  
Музработ агросоанот касб-ҳунар коллежи АРМ раҳбари

## Ҳуқуқий пойдевор

“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганлиги кутубхоначилик ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш билан бирга, тизимда ислоҳотлар ўтказиш, замон талаблари асосида бошқарувни қайта ташкиллаштириш, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлашни тақозо этади.

— Фаолиятимизни янги қабул қилинган қонун асосида ташкил этилди, — дейди Фаргона шаҳар ижтимоий-иқтисодий коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари Элмурод Юнусов. — Янги қонун китобхонлар учун ҳам бир қатор қулайликлар яратиб берди. Ҳозирги кунда марказимиз етарли даражадаги нашрлар билан таъминланди. Шунингдек, зарур восита ва жиҳозлар ҳам мавжуд.

АРМ учта ўқув зали ва битта китоб тарқатиш хонасига эга. Коллежда “ZiyoNET” тармоғида кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу ерда 30та ком-

пютер жамланмаси мавжуд бўлиб, интернетга уланган. 225 нафар ўқувчига мўлжалланган ўқувчилар гузаржойида АРМ шохобчаси ташкил этилган.

Марказ ўқув залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Муҳтарама Улугова билан яқинда бўлиб ўтган ижодий учрашув ўқувчиларда ва “Табассум” маҳалласи вакилларидан унутилмас таассурот қолдирди. Шоира М.Улугова шеърят мухлисларининг кўплаб саволларига жавоб қайтариб, ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Марказда “Президент асарлари”, “Ҳуқуқий билимлар”, “Комиллик мезони”, “Табиятнинг асраш инсоният вазифаси”, “Спорт — саломатлик”, “Маънавият ва маданият”, “Ўзбекистон Конституцияси”, “Миллий истиқлол ва тараққиёт” мавзуларида китоб кўргазмалари ташкил этилган.

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадхон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Суван НАҲБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдували АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлэма ва суратлар эгаларига қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❊  
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

Газета ҳафтанинг жума кўни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Маянзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-602 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16137 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шохкўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслидин БҮРҒЕВ.  
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навойида 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчада 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99